

## Кузги бугдойнинг пуштага экиш технологияси

Ўзбекистон Республикасида кузги бугдой ҳар йили 1 млн. гектардан қорғоғиндонларга экиб келинмоқда. 2007 йил бўйича бугдой ҳосили гектарига 48 центнердан ошди. Кузги бугдой экиладиган майдоннинг яримига шудгорлаб экиш амалга оширишда Сугориладиган майдонларда кузги бугдой етиштириш агротехникасида шудгорлаш ва ерни экишга тайёрлаш ҳамда экиш тадбирлари ўтказилиб, кейин эгат олинади. Бунда экилган уруқ қалин тупроқ билан чуқур кўмилади. Натижада уруқ тўлиқ униб чиқмайди, бундан ташқари дала бўйлаб трактор турли агрегатлар билан икки марта юриб, ерни зичлайди, шунингдек, чуқур эгат олиш натижасида катта кесаклар пайдо бўлади.

Ҳиндистоннинг қайта жиҳозланган “Дасмеш” маркали сеялкаси бирданга 3 та технологик жараённи бажаришга мўлжалланган: 90 см кенликда пушта олиш, эгат очилиши ва пуштага уруғни экиш (1-расм). Бу маркали сеялкада экин билан бирга минерал ўғитларни солиши ҳам имконияти мавжуд



Бу сеялкадиракли ёки занжирли тракторларга тиркалаб ишлатилганда ҳар бир пушчага тўрт қатор экилади. Ушбу сеялкани ўрганиши бўйича ўтказилган тажриба натижаларининг кўрсатишича, бундай экиш тизимида қорғоғин дон ҳосилини олиш имконияти аниқланди. Шунингдек, сеялка билан минерал

ўғитларни маълум тупроқ чуқурлигига солиши туфайли бугдойнинг дастлабки ўсиши фазасида ўғитлардан фойдаланиши даражаси юқори бўлади.

Бу сеялкадан фойдаланиши бўйича биринчи тажриба Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги “Эсонбой ота” фермер хўжалигида олиб борилди. Тажриба майдонининг тупроқ ўтлоқи -бўз, енгил таркибли, кучсиз шўрланган. Тажриба майдонида кузги бугдойни 3 тартибда экиш ўрганилди:

1. Назорат – анъанавий, минтақа учун қабул қилинган усул - майдонга экиб, эгат олиши;
2. 90 см пуштага экиш;
3. Ўсимликлар қолдиги билан мульчланган пуштага экиш;

Тажриба даласига “ЮЖ-12” кузги бугдой нави экилди. Бугдойнинг ўсиши даврида 530 кг/га аммиак селитраси ва 100 кг/га аммофос ўғитлари берилди. Мавсумий сугориш меъёри 5000 м<sup>3</sup>/га ни таъкил қилди. Кузги бугдой етиштириш агротехникаси 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

### Агротехник тадбирлар ва уларни ўтказиш мuddатлари

№	Тадбирлар	Ўтказилиш мuddатлари
1.	Шудгор	20.08.2007
2.	Шўр ювиши	08.09.2007
3.	Бороналаш	16-24.09.2007
4.	Текислаш	20.09.2007
5.	Экиш	26.09.2007
6.	Сугориш	27.09.2007, 12.11.2007; 20.03.2008, 07.04.2008
7.	Ўғитлаш	10.11.2007; 07.03.2008; 07.04.2008
8.	Бегона ўтларга қарши гербицид сепиши	02.04.2008
9.	Қўлда юлиб чиқиши	12.05.2008
10.	Ўрим	30.06.2008

2-жадвал

### Кузги бугдойнинг ўсиши ва ривожланиши

Вариант рақами	Бўйи, см			1 туп ўсимлик даги шохлар сони	1м <sup>2</sup> даги шохлар сони	1м <sup>2</sup> даги бошоқли шохлар сони
	01.04.2008	01.05.2008	01.06.2008			
1	67.3	88.4	115	482	28.7	1.25
2	69.1	92.8	117	460	30.6	1.40
3	71.3	93.1	120	467	32.0	1.45



3-жадвал

### Агроиқтисодий кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	1-вариант Анъанавий экиш	2-вариант Пуштага экиш	3-вариант Ўсимликлар қолдиги билан мульчланган пуштага экиш
Дон ҳосилдорлиги, ц/га	60	64.4	68.5
Фойда, сум/га	105966	231806	210941

## Хулосалар

Ўтлоқи-бўз, кучсиз шўрланган ерларда куздойбу етиштириши бўйича ўтказилган илмий қўлланмалар натижаларига асосланиб қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Кузги бўдойни пуш тага экиш натижасида тупроқнинг сув-физик хоссалари яхшиланди. Назорат вариантыда тупроқнинг зичлиги ўсиш даврининг охирида 0-50 см қатламда  $1.43 \text{ г/см}^3$  бўлган бўлса, пуштага экилган вариантда эса нисбатан паст бўлиб,  $1.40-1.41 \text{ г/см}^3$  ни ташиқил қилди.
2. Кузги бўдой ҳосилдорлиги анъанавий экиш тартибида 60 ц/га дан иборат бўлган бўлса, пуштага экиш тартибида 64.4 ц/га (4.4 ц/га юқори – 8.3%), ўсимликлар қолдиғи билан мультчанган ва пуштага экилганда эса 68.5 ц/га (8.5 ц/га юқори – 14.2%) ни ташиқил қилди.
3. Экиш агрегатининг бир марта ўтиши натижасида бир нечта агротехник тадбирларни биргаликда бажарилиши кузги бўдойни жадал пуштага экиш самарадорлигини оширди.

Қурғоқчил минтақаларда қишлоқ хўжалиқ илмий тадқиқотлари марказининг Марказий Осиё ва Кавказ орти мамлакатлари учун қишлоқ ваколатхонаси, Қ/ 4564, Тошкент, 700000, Ўзбекистон

Тел: (998-71) 237-21-30/237-21-69;  
Факс: (998-71) 120-71-25;

## КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ ПУШТАГА ЭКИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ



Осиё Тараққиёт Банки



Қурғоқчил минтақаларда қишлоқ хўжалиқ илмий тадқиқотлари маркази

Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти

Тошкент – 2008